



## **XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT SHAHAR KENGASHINING QARORI**

2021 - yil 18 - oktabr

VI-48-87-14-0-K/21

Toshkent shahar hokimligi

### **Чилонзор туманидаги айрим маҳаллаларни бўлиш ҳисобига янги маҳалла ташкил этиш, ном бериш ҳамда уларнинг чегараларини ўзгартириш ва белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сон қарорига асосан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 13 октябрдаги 09-2889-сонли хати маълумот ва ижро учун ҳамда Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг 2021 йил 17 мартдаги 07-Б-12-сон йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. Чилонзор тумани ҳокимлигининг Чилонзор туманидаги айрим маҳаллаларни бўлиш ҳисобига янги маҳалла ташкил этиш, ном бериш ҳамда уларнинг чегараларини ўзгартириш ва белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

### **3. Қуйидагилар:**

Чилонзор туманидаги ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллаларнинг номлари рўйхати 1-

иловага мувофиқ;

Чилонзор туманидаги худудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига бўлинаётган ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллаларнинг чегаралари ва тавсифи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф.Маҳмудхўжаев), Чилонзор тумани ҳокимлиги (Ш.Мавлонов):

янги ташкил этилган маҳалланинг тўлиқ шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилсин;

худудига ўзгартириш киритилган маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ўртасида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров), Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф.Маҳмудхўжаев), Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев) янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун зарур маблағларни маҳаллий бюджетдан белгиланган тартибда ажратиш чоралари кўрилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ф.Маҳмудхўжаев), Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси (Б.Ташходжаев), Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Н.Турсунов), Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси (А.Бобомирзаев) мазкур қарорга асосан ҳужжатларга ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилсин ҳамда бу борада зарур чораларни кўрсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (А.Ахмаджонов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва [www.toshkent.uz](http://www.toshkent.uz) расмий веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлаш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарор 2021 йил 1 ноябрдан кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ш.Сагдуллаев ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ф.Маҳмудхўжаев зиммасига юклатилсин.



**Kengash raisi**



**ARTIKXODJAYEV J. A.**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
Кенгашининг  
2021 йил 18 октябрдаги  
VI-48-87-14-0-К/21-сон қарорига  
1-илова

**Чилонзор туманидаги ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига  
бўлинаётган ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллаларнинг номлари рўйхати**

| №  | Бўлинадиган маҳалла номи       | Бўлиниш ҳисобига янги ташкил этилаётган маҳалла номи | Изоҳ  |
|----|--------------------------------|--|---|
| 1. | “Нафосат” маҳалласи            | “Диёр” маҳалласи                                     | Маҳалла фуқаролар<br>йиғинлари ва Чилонзор<br>тумани ҳокимлиги<br>таклифи асосида |
| 2. | “Навбахор” маҳалласи           | “Катта Навбахор” маҳалласи                           |   |
| 3. | “Катта Қозиробод”<br>маҳалласи | “Қозиробод” маҳалласи                                |   |
| 4. | “Бешчинор”                     | “Кўркам” маҳалласи                                   |   |

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
Кенгашининг  
2021 йил 18 октябрдаги  
VI-48-87-14-0-К/21-сон қарорига  
2-илова

**Чилонзор туманидаги ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига  
бўлинаётган ҳамда янги ташкил этилаётган маҳаллаларнинг  
чегаралари ва тавсифи**

**“Нафосат” маҳалласи**

Маркази: Нафосат маҳалла гузари

Аҳолиси: 4419 нафар

Оила: 1789 та

Ўзгараётган “Нафосат” маҳалласи ҳудуди Қатортол кўчасидан Қатортол тор кўчасининг чап томони бўйлаб 1-Қатортол МФЙ идорасигача, 1-Қатортол МФЙ идорасидан 183-умумтаълим мактаби ховлиси ҳудуди ҳамда 6-б кўп қаватли уйни орқа томонидаги йўлак бўйлаб Чилонзор туман ФХДЁ бўлими орқали Қатортол кўчасигача, Қатортол кўчасининг чап томони бўйлаб Қатортол тор кўчасигача бўлган ҳудудни қамраб олади. Маҳалла ҳудудида якка тартибдаги ҳовли жойлар – 10 та, кўп қаватли уйлар - 24 та, хонадонлар сони – 1479 тани ташкил этади.

**“Диёр” маҳалласи**

Маркази: 294-мактабгача таълим ташкилот

Аҳолиси: 5401 нафар

Оила: 2274 та

Янги ташкил этиладиган “Диёр” маҳалласи ҳудуди Лутфий кўчасидан Чўпонота кўчасининг чап томони бўйлаб Қатортол кўчасигача, Қатортол кўчасининг чап томони бўйлаб Денов кафесигача, Денов кафесидан йўлакнинг чап томони бўйлаб, 2-а кўп қаватли уйнинг орқа томони орқали 284-МТТ ва 294-МТТни қамраб олган ҳолда Қатортол тор кўчасигача, Қатортол тор кўчасининг чап томони бўйлаб Лутфий кўчасигача, Лутфий кўчасининг чап томони бўйлаб Чўпонота кўчасигача ҳудудни қамраб олади. Маҳалла ҳудудида якка тартибдаги ҳовли жойлар мавжуд эмас, кўп қаватли уйлар - 31 та, хонадонлар сони – 1897 тани ташкил этади.

**“Навбахор” маҳалласи**

Маркази: Навбахор МФЙ биноси

Аҳолиси: 4439 нафар

Оила: 1263 та

Ўзгараётган “Навбахор” маҳалласи ҳудуди Кичик халқа йўли кўчасидан Қатортол кўчасигача, Қатортол кўчасидан Мехр кўчасигача, Мехр кўчасидан Бунёдкор кўчасигача ва Бунёдкор кўчасидан Кичик халқа йўли кўчасигача бўлган ҳудудни қамраб олади. Маҳалла ҳудудида якка тартибдаги ҳовли жойлар мавжуд эмас, кўп қаватли уйлар сони - 18 та, хонадонлар сони – 1383 та, нотураж жой бинолар – 7 тани ташкил этади.

#### **“Катта Навбахор” маҳалласи**

Маркази: Навбахор чойхонаси

Аҳолиси: 3797 нафар

Оила: 1262 та

Янги ташкил этиладиган “Катта Навбахор” маҳалласи ҳудуди Қатортол кўчасидан Чўпонота кўчасигача, Чўпонота кўчасидан Бунёдкор кўчасигача, Бунёдкор кўчасидан Мехр кўчасигача, Мехр кўчасидан Қатортол кўчасигача бўлган чегарани қамраб олади. Маҳалла ҳудудида якка тартибдаги ҳовли жойлар мавжуд эмас, кўп қаватли уйлар сони - 25 та, хонадонлар сони – 1220 та, нотураж жой бинолар – 2 тани ташкил этади.

#### **“Катта Қозиробод” маҳалласи**

Маркази: Катта Қозиробод маҳалла гузари

Аҳолиси: 4336 нафар

Оила: 1624 та

Ўзгараётган “Катта Қозиробод” маҳалласи ҳудуди Бўрижар каналидан Кичик Халқа йўли кўчаси бўйлаб Бунёдкор кўчасигача, Бунёдкор кўчаси бўйлаб “Бунёдкор” футбол академиясини қамраб олган ҳолда Афшона кўчаси билан Чилонзор кўчаси чорраҳасигача; Афшона кўчаси жуфт томон ховлилардан Бўрижар каналигача, Бўрижар каналининг ўнг қирғоғи бўйлаб Кичик Халқа йўли кўчасигача бўлган чегарани қамраб олади. Маҳалла ҳудудида якка тартибдаги ҳовли жойлар - 345 та, кўп қаватли уйлар - 13 та, хонадонлар сони – 287 та, нотураж жой бинолар - 80 тани ташкил этади.

#### **“Қозиробод” маҳалласи**

Маркази: 138-мактаб

Аҳолиси: 5772 нафар

Оила: 1910 та

Янги ташкил этиладиган “Қозиробод” маҳалласи ҳудуди Бунёдкор кўчаси бўйлаб “Миллий” стадионини қамраб олган ҳолда Чўпонота кўчасигача, Чўпонота кўчасидан Бўрижар каналигача, Бўрижар каналининг ўнг қирғоғи бўйлаб Арнасой кўчаси билан Афшона кўчаси кесишган чорраҳагача, Афшона кўчасининг тоқ уйлар жойлашган бети бўйлаб Тошкент кислород заводини қамраб олган ҳолда Бунёдкор кўчасигача бўлган чегарани қамраб олади. Маҳалла ҳудудида якка тартибдаги ҳовли жойлар - 423 та, кўп

қаватли уйлар - 23 та, хонадонлар сони – 1222 та, нотурар жой бинолар – 70 тани ташкил этади.

### **“Бешчинор” маҳалласи**

Маркази: Бешчинор маҳалла гузари

Аҳолиси: 5490 нафар

Оила: 1554 та

Ўзгараётган “Бешчинор” маҳалласи ҳудуди Муқимий кўчаси 22-уйдан Қатортол кўчасигача (“Олтин мерос” кафеси) Қатортол кўчаси бўйлаб Халқ банкигача, Халқ банкидан Божхона ўқув муассасаси, туман ёруғлик тармоғи, 48, 49, 50 ва 41-уйгача, 41-уйдан 39,37,32, 22-уйлар оралиғидаги чегарани ташкил қилади. Маҳалла ҳудудида яқка тартибдаги ҳовли жойлар мавжуд эмас, кўп қаватли уйлар сони - 27 та, хонадонлар сони – 1375 та, нотурар жой бинолар - 55 тани ташкил этади.

### **“Кўркам” маҳалласи**

Маркази: 9-кўп қаватли уй

Аҳолиси: 5030 нафар

Оила: 1732 та

Янги ташкил этиладиган “Кўркам” маҳалласи ҳудуди Муқимий кўчаси бўйлаб “Агробанк”гача, “Агробанк”дан 21, 19, 18 уйлар, спорт майдончаси, 38 ва 42-уйларгача, 42-уйдан “Тумангаз” ташкилоти, қон қуйиш институти, туман тиббиёт бирлашмаси ва Бунёдкор кўчасигача, Бунёдкор кўчасидан Муқимий кўчасигача бўлган ҳудудни қамраб олади. Маҳалла ҳудудида яқка тартибдаги ҳовли жойлар мавжуд эмас, кўп қаватли уйлар сони - 28 та, кўп қаватли уйлар – 27 та, хонадонлар сони – 1520 та, нотурар жой бинолар - 18 тани ташкил этади.